БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 74 (4173)
1 АПРЕЛЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Эрон Ислом Республикаси эълон қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан Эрон Ислом Республикасининг раҳбари Оятулло Рухолла Мусави Хомейнига ҳамда Эрон Ислом Республикаси президенти жаноб Абулҳасан Банисадрга йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

✦ Совет адабиётини ривожлантириш д а г и хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми ёзувчи Владимир Семенович Жуковни Октябрь революцияси ордени билан мукофотлади.

✦ 1980 йил 29 март куни Москва вақти билан соат 23 дан 01 минут ўтганда юк ташувчи «Прогресс-8» автомат транспорт кемаси «Салют-6» станцияси билан туташтирилди. Бу станция икки ярим йилдан буён космосда учиб юрибди.

Транспорт кемаси «Салют-6» илмий станциясининг бундан буён ҳам ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган юкларни орбитага элтиб қўйди.

Телеметрия ахбороти маълумотларига кўра, «Салют-6» станцияси билан «Прогресс-8» юк кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

● «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Коммунистик шанбалик куни тайёрланган ҳар икки маҳсулотдан бири Давлат сифат белгиси билан чиқарилади. Корхонада бўлган умумий йиғилишда ана шундай хулосага келинди. Қизил шанбалик куни тикувчилар 255 минг сўмлик пальто, куртка, плашч тайёрлашади. Бу оддий иш кунида тайёрланган маҳсулотга нисбатан анча кўпдир.

● Марказлашган усулда юк ташиш Тошкент область автомобиль трести ташкилотларида шанбалик ўтказиш штаблари ташкил қилинди. Меҳнат участкалари, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ёнилғини тежаш йўллари белгилаб олинди. 19 апрель куни 136 минг тонна турли хил халқ хўжалиги юклари ташилади. Юкнинг учдан бир қисми тежалган ёнилғи ҳисобига ташилади.

● 159-қурилиш трестининг бинокорлари –Коммунистик шанбалик куни зарбдор объектлар— мактаб ва болалар боғчалари биноларини қуриш билан шуғулланадилар. Шу куни 46 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Бир кунлик иш ҳақи ҳисобланган 5 минг сўмликдан зиёд маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА 18 КУН ҚОЛДИ.

ТИНЧЛИК УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилди

«Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти берилди. 31 март куни Кремлда шу мукофотни Леонид Ильич Брежневга топширишга бағишлаб Москва меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Свердлов залида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари бор эди.

Йиғилиш қатнашчилари **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг Раиси **Г. М. Марков**, комитет раисининг ўринбосарлари, комитет президиумининг аъзолари, адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари улар билан бирга президиумга чиқадилар.

Тантанали йиғилишни Г. М. Марков очди.



Суратда: мукофотни топшириш пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

«Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари партия билан халқнинг бутун кучларини КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети пленумларининг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги қарорлари ва йўл-йўриқларини бажариш учун изчил курашга сафарбар этиш соҳасида катта роль ўйнади. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида ўтказилган китобхонлар конференцияларида ўртоқ Брежневнинг китоблари «Ғалаба қозониш фани» деб аталди.

Леонид Ильичнинг китоблари машҳурлиги, китобхонлар оммасига ўтказаётган таъсири жиҳатидан уларни тенги йўқ асарлар деб дадил айтиш мумкин. **(Қарсаклар).**

Китоб сўзи шу қадар зўр таъсир ўтказаётганлигининг сири муаллифнинг жўшқин коммунистик эътиқодида, унинг ўй-фикрлари ва далиллари ниҳоятда зўр кучга эга эканлигида, тасвирланаётган материалга шахсан астойдил дахлдорлигидадир. Ўртоқ Брежневнинг китобларида ҳар бир сўз унинг қалби — жангчи ва бинокорнинг қалбидан ҳарорат олган, унинг фикри — ленинчи коммунист, халқ бахт-саодатининг, оддий ва рўй-рост тасвирлаб берган китоблари партия билан халқнинг улкан тажрибасини умумлаштирди, ана шу тажрибадан ҳозирги кунлар — коммунистик бунёдкорлик кунлари, тинчлик, халқаро кескинликни юмшатиш ва халқлар ҳамкорлиги йўлидаги курашнинг янги босқичи учун илҳомбахш доно собоқларни чиқарди.

Леонид Ильич совет кишиларининг ватанпарварлигини, уларнинг теран интернационализмини зукколик билан ишонарли тарзда тасвирлаб, халқ қаҳрамонлигининг манбаларини кўрсатиб, бутун-бутун меҳнаткашлар коллективлари ва айрим ўртоқларнинг фаолиятига гоят аниқ ва пухта баҳо бериб, партиянинг ҳар томонлама ташкилотчилик фаолиятини, энг мураккаб проблемаларга ленинча ёндашув хусусиятларини, ленинча иш услуби моҳиятини жонли ҳаётий мисоллар асосида яққол, тўлалигича ифодалаб берди.

«Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларининг ғоявий-бадиий ҳаётида гоят катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мамлакатимиздаги миллион-миллион китобхонлар, чет мамлакатлардаги миллионлаб кишилар ана шу китобларни совет халқи тарихининг гоят муҳим даврларида унинг қаҳрамонона жасоратлари тўғрисидаги оташин, ҳаққоний қисса сифатида қабул қилдилар.

Леонид Ильичнинг воқеаларни ишонтирарли руҳда бунёдкори ва ижодкори фикрининг нури билан ёритилгандир. **(Қарсаклар).** «Кичик ер»да ҳам, «Тикланиш»да ҳам, «Қўриқ»да ҳам партия билан халқ—бош қаҳрамон. Бироқ партия билан халқнинг иши — китоблар муаллифининг ҳам иши, муаллиф бутун ҳаётининг ишидир. Айни халқ билан партиянинг хоҳиш иродасига кўра, у курашнинг олдинги маррасига қўйилган, воқеалар марказида турган айни унга, кишилар оммасига раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳаракатларини, ғайрат-шижоатини тўғри йўлга солиш, коммунизм тантанаси сари дадил олиб боришдек юксак ҳуқуқ ишониб топширилган. Худди шунинг учун ҳам Леонид Ильич китоблари саҳифаларида унинг ҳам олижаноб образи — ўз халқи улуғ фарзандининг халқлар тинчлиги ва равнак топиши учун толмас курашчи, Ленинниинг барҳаёт иши содиқ давомчисининг образи ёркин ва яққол гавдаланади. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқидагина эмас, шу билан бирга ер юзининг бошқа мамлакатларида ҳам миллион-миллион кишилар ўртоқ Леонид Ильич Брежневга унинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун сидқидилдан самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этдилар. Бу китоблар уларни маънавий бойитди, социализм ва коммунизм, демократия ва эркинлик, интернационал қардошлик тантанаси йўлида янги-янги жасоратларга илҳомлантириб, отлантирди.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ўртоқ Леонид Ильич Брежневга якдиллик билан Ленин мукофотини бериб, унга шу фахрли мукофотни тақдим этиш тўғрисида ўз таклифларини йўллаган кўпгина меҳнат коллективларининг, минг-минглаб меҳнаткашларнинг хоҳишини бажо келтирди. **(Қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти бериш тўғрисида»ги қарорини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз:

«КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

«Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Ленин мукофоти берилсин». **(Давомли қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар!

Мукофотлар комитети номидан, шу залда ҳозир бўлмаган барча кишилар номидан, ҳамма китобхонлар номидан азиз Леонид Ильични фахрли мукофот билан чин қалбдан астойдил муборакбод этишга, унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ватанимиз фаровонлиги йўлидаги баҳодирона фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

Г. М. Марков йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Л. И. Брежневга Ленин мукофоти лауреатининг дипломи ва нишонини топширди. Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежневни ўринларидан туриб, қизғин давомли қарсаклар билан табрикладилар.

Кичик ердаги жангларнинг қатнашчиси, 18-армия сиёсий бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари, истеъфодаги полковник С. С. Пахомовга сўз берилади.

Ўртоқ С. С. ПАХОМОВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Леонид Ильичнинг полкдоши, у билан урушнинг деярли ҳамма йилларида ҳаракатдаги армияда у билан ёнма-ён бўлган менга Леонид Ильичнинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун уларга Ленин мукофоти топширилишига бағишланган бугунги тантанали, унутилмас воқеада иштирок этиш чинакам зўр мамнуният бахш этади. **(Қарсаклар).**

Азиз Леонид Ильич, шу юксак ва муносиб мукофот билан Сизни шахсан ўз номимдан, барча кичик ерликлар, шонли 18-армия ветеранлари ва мамлакат бутун Қуролли Кучлари номидан чин қалбдан қизғин табриклаётганимдан бехад хурсандман. **(Қарсаклар).**

Леонид Ильичнинг китоблари — мислсиз асарлардир. Улар катта ҳаётий умумлашмаларнинг кўлами, сиёсий хулосаларнинг теранлиги жиҳатидан бебаҳо бўлиб, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак тўғрисидаги китобларидир. Леонид Ильич китобларининг саҳифаларида ҳаётнинг ўзи тилга киради. Кичик ерда бўлган бизнинг кўз ўнгимизда, барча уруш қатнашчиларининг кўз ўнгида солдатнинг жанговар ҳаёти тўлиб-тошган машаққатли, жанговар меҳнати манзаралари баайни жонланиб кетади. Леонид Ильич ўз китобларида кўпгина кишилар ва уларнинг жасоратлари тўғрисида зўр меҳр билан ёзгани ҳолда ўзи тўғрисида кам гапиради. Бу унинг характерига хос бўлган ғоят диққатга сазовор фазилатлардан биридир. Биз, армия ветеранлари Кичик ернинг қаҳрамонона ҳимоячилари қилган ҳамма ишларда шахсан Леонид Ильич Брежневнинг хизмати жуда катта эканлигини яхши биламиз ва буни қайта-қайта таъкидлашни истаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўша пайтдаёқ тажрибали, чуқур партиявий киши, довюрак, мард сиёсий раҳбар Леонид Ильич ҳамиша омма орасида бўлди, ҳамиша олдинги маррада миллион-миллион кишиларни жангга, жасоратга отлантириб, руҳлантириб турди. Бизнинг армияда оддий жангчидан тортиб командармгача ҳамма

(Давоми 2-бетда)

Ўртоқ Г. М. МАРКОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари босилиб чиққанлиги совет жамиятининг маънавий ҳаётида гоят катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мамлакатимиздаги миллион-миллион китобхонлар, чет мамлакатлардаги миллионлаб кишилар ана шу китобларни совет халқи тарихининг гоят муҳим даврларида унинг қаҳрамонона жасоратлари тўғрисидаги оташин, ҳаққоний қисса сифатида қабул қилдилар.

Леонид Ильичнинг воқеаларни ишонтирарли руҳда мана шу илмни ўзлаштириб олмоқдалар.

Бироқ, йигит ва қизлар социалистик ижтимоий муносабатлар шакллантирилган илк даврларни ҳам билишлари зарур. Улар давлатнинг баҳодирона иқтисодий ва маънавий потенциали қандай барпо этилганини яхши тасаввур этишлари керак. Ишларимизнинг давомийлигини англаш бугунги куннинг вазифаларини ҳам ва халқимиз эртага ҳал этиши лозим бўлган ишларни ҳам яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Шу сабабли ёш авлодни тарбияшда ветеранлар — дастлабки , беш йилликларнинг зарбдорлари, Улуғ Ватан урушининг жангчилари, урушдан кейинги тикланиш қаҳрамонлари актив қатнашаётганликлари жуда соз. Катта ватанпарварлик ишлари учун уларга раҳмат, бу иш жуда зарур ва фойдали. **(Давомли қарсаклар).**

Мен китобхонлардан олган кўпгина хатларда, автор ўз хотираларини давом эттирсин, деган истак билдирилмоқда. Хўш, бу истакка нима деб жавоб берсам экан?

Назаримда, биз ўзимизнинг жами қимматли тажрибамизни янги авлодларга қолдиришимиз лозим. Мен шу ҳақда ўйлаяпман, агар вақт топа олсам, ҳозирги қилсам, хотираларни давом эттираман. **(Қарсаклар).** Мен бугун олаётган мукофотни келажакка тиланган оқ йўл деб ҳам биламан, шундай деб ҳисоблай беринглар.

Ленининг партиявий публицистика вазифалари тўғрисида айтган — ҳозирги замон тўғрисида шундай ёзиш керакки, ўз қаламинг билан партиямизнинг, халқимизнинг амалий ишига қўлдан келганча ёрдам келтирсин, деган сўзлари яна эсга келади. Бу ҳозир ҳам публицистикамизнинг, оммавий пропагандамизнинг, партия бутун ғоявий-тарбиявий ишининг бош вазифаси-ку, ахир. Кенгроқ маънода олганда, бу — бадиий адабиётимизнинг ва умуман санъатимизнинг ҳам бош вазифасидир.

Амалий ҳаётга кириб боришдан, халққа ўз турмушининг моҳиятини ва турмуш оқимининг йўналишини равшанроқ англаб олишда кўмаклашишдан, шу турмушни моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам янада яхшироқ, тўғрироқ, ёрқинроқ, бадавлатроқ қилишдан ҳам муҳимроқ ва олийжаноброқ иш бўлиши мумкинми? Партия идеология ишининг ҳамма шаклларига ҳам мана шундай мезон билан ёндошади. Мен ўзимнинг мана шу катта ишга қўшган камтарин ҳиссамга нисбатан ҳам мана шу мезон билан ёндошдим.

Биз коммунистик қурилиш йўлидан нақадар олға силжисак, экономикамиз нақадар кучли ва кишиларимизнинг турмуши нақадар маъмур бўлса, кишиларни ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, эстетик тарбиялаш вазифалари шу қадар кўпроқ аҳамият касб этаверади. Моддий ривожланиш билан маънавий ривожланиш ўртасида узилиш бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, бу кўп кулфатлар келтириб чиқариш хавфини туғдирган бўлур эди.

Совет кишилари нақадар ўқимишли бўлиб борсалар, уларнинг билим донраси нақадар кенгайса, идеология ишининг савияси, сифати шу қадар катта аҳамият касб этади.

Бу ўринда бепарво ва калтабин расмиятчилик, андоза кўчиришга ва сафсатабозликка берилиш, менимча энг даҳшатли душмандир. Жамики тарбиявий, ахборот, пропаганда ишига, ҳамма погоналар ва соҳаларда жонли, ижодий тус бериш —энг зарур вазифадир.

Илгари ҳам бу ҳақда гапирган эдим. Одамлар билан содда ва тушунарли тилда, ошкора ва амалий гаплашишни қоида қилиб олиш керак. Баландпарвоз сўзлардан, расмиятчиликдан ва ҳадеб такрорлай беришлардан воз кечиш пайти келди. Эзганда ҳар бир иборага ўз жонли фикрингни, ўз туйғуларингни сингдириб юборишга одатланиш керак.

Бу — шак-шубҳасиз иш бўлиб кўринса ҳам, унга эришиш осон эмас!

Партия Марказий Комитети идеология, сиёсий тарбия ишини яхшилаш масалаларини юзасидан ўтган йил баҳорда махсус батафсил қарор қабул қилганлиги, кўзда эса идеология фронти ходимларининг катта Бутуниттифоқ кенгаши ўтказилганлиги сизларга маълум. Қабул этилган қарорларни амалга ошириш учун ҳозиргача биргалай иш қилинди. Бироқ, қилинган ишлар етарли, деб ҳисоблаш, эҳтимол, хато бўлар эди. Бу соҳада хотиржамликка мутлақо берилмаслик керак. Идеология ишни ҳақиқатан ҳам янги погонага кўтарилиши ҳамда замон талабларига ва совет кишиларининг эҳтиёжларига мос бўлиши учун Марказий Комитет қарорида кўрсатилган истиқбосиз ҳамма соҳаларда ҳали зўр қатъият билан катта иш қилиниши лозим.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилига қадам қўйди. Бу — коммунистик қурилиш йўлида бундан кейин қиладиган ҳаракатимизнинг стратегиясини белгилаб берадиган партия XXVI съезди даги актив тайёргарлик йилидир. Бу — Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланадиган йил ҳамдир. Ленининг юбилейи эса партия билан халқнинг бутун ишига янги илҳом бахш этмоқда. Биз ғоят бой революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари билан қуролланиб олганмиз. Биз кун сайин янги тажриба ҳам орттираяпмиз.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки ойлари ўтиб бораётган умуман 80 йиллар — экономикамиз, фан ва маданиятимиз, ижтимоий муносабатларимизни янада ривожлантиришнинг хилма-хил ва мураккаб вазифалари ҳал этиладиган йиллар эканини жуда яхши биламиз. Мана шу вазифаларни уддалаш учун, камчиликлардан ҳалос бўлиш ва халқ турмушини янада яхшилаш учун бизнинг ихтиёримизда ҳамма нарсалар бор. Ишнинг натижаси ўзимизга, заводлардаги, далалардаги, фермалардаги, илмий лабораторияларда ва бошқарув органларидаги ва бошқарув органларидаги миллион-миллион меҳнаткашларга боғлиқ бўлади. Натижа ҳар бир совет кишисининг ўзи меҳнат қилаётган жойдаги интизомига, соф виждонига ва ғайрат-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Муваффақиятга эришишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Партиямизнинг бутун тарихи — меҳнаткаш халқ манфаатларига хизмат қилишдир. Коммунистлар бутун фаолиятининг моҳияти —меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашдир. Уларнинг конституциямизда мустаҳкамлаб берилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳам ҳимоя қилишдан иборат, албатта. Орттирилган жами тажриба, вужудга келаётган халқаро вазият, айниқса сўнгги давр фактлари ҳаммамизнинг зиммамизга сергак бўлиб туришни, тинчлик ишини ҳимоя қилишда қатъиятли ва изчил бўлишни, Ватан ва бутун инсоният тақдири учун ўз тарихий масъулиятимизни унутмаслик мажбуриятини юклайди.

Мен ҳам партиямизнинг ленинча сиёсати, халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини, коммунистик келажак қурилишини таъминлаш сиёсати муваффақиятли амалга оширилиши учун ўзимга боғлиқ бўлган ишни бундан буён ҳам қилаверажаман.

Шу йўлда яшаса ва курашса – арзийди, шу йўлда вақтни ҳам, кучни ҳам аямаса арзийди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

ТИНЧЛИК УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИГА

(Бошк 1-бетда)

Леонид Ильичнинг айтганларига қулоқ соларди. Биз у билан бирга қаттиқ туриб бардош бердик ва ғалаба қозондик. Зотан «Кичик ер» китоби совет солдатига қўйилган жуда ажойиб ёдгорлик, дунёни фашизмдан ҳалос этган қаҳрамон халқ, музаффар халқнинг жасорати тўғрисидаги таъсирчан қиссадир. Биз, урушнинг нималигини, у бизга нақадар қимматга тушганлигини яхши билувчи уруш ветеранлари бутун совет халқи билан биргаликда партиямизнинг бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашини ялдиллик билан тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Партиямиз бу курашни Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг доно раҳбарлигида сабот-матонат ва изчиллик билан олиб бормоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Совет халқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ғоялари тантана қилишига аминдир. Биз, совет кишилари эса партия ва Леонид Ильич, шахсан Сиз ўртага қўйган вазифаларни, бутун дунёда тинчлик таянчи бўлган ватанимизнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларни тўла-тўкис бажармоқ учун тинимсиз меҳнат қилаверамиз. **(Қарсаклар).**

Азиз Леонид Ильич! Ленин мукофоти тошширилганлиги билан Сизни қизғин ва самимий табриклаймиз ҳамда Сизнинг халқимиз бахт-саодати йўлидаги, коммунизм манфаатлари йўлидаги сермашаққат, самарали ва тинимсиз фаолиятингизда чин қалбдан янги-янги муваффақиятлар, битмас-туганмас ижодий куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз! **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Целиноград область, Отбосар районидаги «Шуйский» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Е. Довжик минбарга чиқади.

Ўртоқ М. Е. ДОВЖИК нутқи

Азиз Леонид Ильич!
Ҳурматли ўртоқлар!

Бутун мен замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, қаҳрамонона қўриқ эпопеясининг стратеги ва ташкилотчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг унга Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин мукофоти топширилганлиги билан қўриқ ветеранлари номидан, биринчи жўякни очган ва буюк қўриқ ишига бутун умр содиқ бўлиб қолган кишилар номидан табриклаш ва муборакбод этишдек юксак шарафга муяссар бўлдим. **(Қарсаклар).**

Сизнинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китобларингиз ҳаммамиз учун ҳаётнинг доно дарсликлари бўлиб қолди. Совет кишилари бу китоблардан қайта-қайта зўр илҳом олмоқдалар. Бу илҳом катта ишлар ва зафарларга чорламоқда, ғалабага ишонч бағишламоқда.

Леонид Ильич билан биргаликда ишлаган қўриқ ветеранлари ўша йиллари Ўртоқ Брежнев бормаган қўриқ совхози топилиши амри маҳол деб ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Далада ДТ-54 трактори ёнидаги, совхоз ошхонасидаги, янги, яқинда қуриб битказилган клубдаги, райком секретарининг кабинетидаги ана шу учрашувлар бутун умрга ёдда қолди. Дастлабки чўлқувварлар ана шу шонли давр тўғрисида ўз фарзандлари ва невараларига астойдил тўлқинланиб сўзлаб берадилар.

Қўриқ ўзлаштирилди, қўриқ ўз потенциалини оширмоқда, у коммунизм учун дадил ишламоқда. Қозоғистоннинг машҳур миллиард пудлари эндиликда энг қулай келган айрим йиллар учунгина хос бўлмай, балки бизнинг оддий иш нормамиз бўлиб қолмоқда.

Леонид Ильич бугунги кунда ҳам қўриққа, халқларнинг қардошлик онласида ўзининг 60 йиллигини кутиб олаётган Совет Қозоғистонини ҳар томонлама равнақ топтиришга зўр эътибор бериб келмоқда. Биз, Қозоғистонликлар буни яхши билиб ҳамиша ёдда тутамиз ва юксак қадрлаймиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси учун, шундай диёрда яшаш, тинч осмон остида яшаб илҳом билан коммунизм қуриш бахтига муяссар бўлганимиз учун биз, совет кишилари жонажон Коммунистик партиядан, унинг Марказий Комитетидан, Улуғ Ленин ишининг давомчиси, азиз ва суюкли Леонид Ильич Брежневдан астойдил миннатдормиз ва уларга ташаккур билдирамиз. **(Қарсаклар).**

Леонид Ильич, Сизга сидқидилдан кўпдан-кўп раҳмат! Ҳамма қозоғистонликларнинг, ўзлаштирилган қўриқ барча авлодларининг ғоят қизғин табрикларини ҳамда сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаб билдирган энг яхши истакларини қабул қилгайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ленин Мукофотининг Лауреати, СССР Фанлар Академиясининг вице-президенти академик Ю. А. Овчинников сўз олади.

Ўртоқ Ю. А. ОВЧИННИКОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!
Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» трилогияси босилиб чиқиши мамлакатимиз ва бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда Ленин типидаги большевик, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбобининг кўп қирали тажрибаси ифода этилган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари ва нутқлари — давримиз марксча-ленинча диалектикасининг, совет жамияти энг чуқур жараёнларини илмий асослаб тадқиқ этишнинг намунасидир, коммунистик ғояларнинг яққол қарор топишидир. Унинг трилогияси китобларида социализм қурилишининг энг муҳим босқичлари ғоят ифодали қилиб тасвирланган, ўзимизнинг кўп қирали тажрибаси ифода этилган.

«Кичик ер» — совет жангчисининг матонати ва астойдил қаҳрамонлигини мадҳ этувчи қасидадир. Аслида «Кичик ер» — совет характери фалсафий — психологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган, тарихнинг энг қалтис пайтларида халқ оммасига раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини ривожлантирилган китобдир. «Тикланиш»да Коммунистик партиянинг мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги зўр ташкилотчилик иши манзарасини кўриш, мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги партия, давлат, бутун ижтимоий ҳаётини белгилаб келаётган ленинча иш услубининг, бошқариш ва хўжалик юритиш илмининг манбаларини яқол тасаввур этиш мумкин. «Қўриқ»да партия илмий башоратининг кучини, унинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, мамлакатимизнинг ғоят бой ғалла конини барпо этиш соҳасидаги баҳодирона меҳнатини яққол ҳис этасан, киши. «Қўриқ» — Леонид Ильичнинг ҳозирги аграр сиёсатни ишлаб чиқишга шахсан бебаҳо ҳисса қўшганлигининг яққол далилидир, бу — энг илғор илмий фикр ютуқларининг қўриқда битган бўлиқ бошқодаги мужассамидир.

Азиз Леонид Ильич, Сизни барча совет олимлари номидан, СССР Фанлар Академияси номидан Ватаннинг муносиб мукофоти билан астойдил табриклаймам. **(Қарсаклар).** Сизнинг китобларингиз улуғ Ватанимиз тараққиётининг кудратли руҳлантирувчи кучи ва илҳомбахш омили, халқ жонли тажрибасининг қомуси бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади, партиянинг улуғвор режаларини амалга оширишда доимо таълим ва ёрдам бераверади. Биз Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва совет халқининг фаровонлиги йўлидаги, ер юзида тинчлик йўлидаги ижодий меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати шоир Э. Б. Межелайтис минбарга чиқади.

Ўртоқ Э. Б. МЕЖЕЛАЙТИС нутқи

Муҳтарам Леонид Ильич!
Сиз учун ва ҳаммамиз учун қувончли воқеа — ажойиб трилогиянгиз учун Ленин мукофоти топширилиши муносабати билан Сизни чин кўнгилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Сиз машҳур трилогиянгизда ғоят яққол ифодалаб берилган инсонга ленинча муносабатингиз билан одамлар орасидан етишиб чиққан энг донишманд зот — улуғ Ленин номидаги мукофотнинг лауреати унвонига сазовор бўлдингиз. Бу ерда мен Сизнинг китобхонингиз сифатида, коммунист сифатида, ва албатта, профессионал ёзувчи сифатида гапираяпман. Мен ўз ижодхонамда инсон мавзуи устида йигирма йиллан бери ишлаб келаяпман. Бу — қийин мавзу. Баъзан шундай муаммоларга ва шундай чигалликларга дуч келиб қоламанки, ўз ижодимда уларни ҳал этиб, бирёқлик қилиб беришни уддалай олиш-олмасликни ҳам билмайман. Жуда қийин ва мураккаб вазиятларга дуч келганимда, ижоддаги машаққатларни бартараф қилишга кўмак бера оладиган ва ўзимдаги инсонга муҳаббатни мустаҳкамлай оладиган мустаҳкам таянчларни, йўлчи юлдуз бўла оладиган китобларни излайман.

Азиз Леонид Ильич! Мен Сизнинг трилогиянгизни ўқиганимда мана шундай ҳиссиётларга берилдим. Сизни ишонтириб айтаманки, мен Сизнинг жуда синчков китобхонингиз бўлдим. Сизнинг инсонга, оддий совет кишисига — жангчига, ишчига, ғаллакорга нисбатан меҳр-муҳаббатингиз, Сизнинг инсонга астойдил ишончингиз, сўзларингиз руҳига сингдириб юборилган қалб кўрингиз, китобларингиздаги олижаноб инсонпарварлик, Сизнинг инсонийлигингиз менинг қатъиятимни оширди, инсон мавзуи устидаги ижодий ишни давом эттиришимга янги куч, ишонч ва киштиёқ бахш этди.

Ҳаммамизга шу қадар зарур мадад берганингиз учун Сизга раҳмат. Менинг назаримда бир инсонни ёмон кўриб қолиш ва ундан нафратланишдан осон нарса йўқ. Инсонга меҳр қўйиш анча қийин. Янги инсон қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб бериш эса ҳаммасидан қийин. Леонид Ильич, Сиз айни мана шу, энг оғир йўлни танлаб олдингиз. Коммунист, новатор, инсонпарварга хос мана шу принципиал позиция учун Сизга раҳмат. Инсон учун мана шу инсонпарварлик курашида, янги совет киши учун революцион курашда биз Сизга ҳамдаммиз.

Сизнинг тинимсиз партиявий ва давлат фаолиятингиз, Сизнинг оқил, инсоний, жанговар сўзингиз бизнинг республикамиз меҳнаткашлари, ёзувчилари, санъаткорлари қалбида ҳам қизғин акс-садо берди. Бу йил бизнинг республикамиз учун алоҳида йил: биз Совет Литвасининг қирқ йиллигини нишонлаймиз. Янги — социалистик Литва менинг авлодим кўз ўнгида дунёга келди, биз барча совет халқларининг ўғил ва қизлари билан биргаликда уни душманлардан ҳимоя қилдик, биз ҳаммамиз унинг порлоқ келажагини биргаликда барпо этдик, биз ҳаммамиз унинг катта муваффақиятларидан биргаликда қувонамиз. Бу йил бизнинг қаҳрамон Балтика соҳилимизда шодиёна, катта, тарихий байрам бўлади.

Ҳурматли Леонид Ильич, Сизни адабиёт бобидаги катта муваффақиятингиз билан яна бир бор астойдил табриклашга, Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилашга, бутун улуғ ватанимизнинг равнақи тўғрисидаги ғамхўрлигингиз учун ташаккур айтишга ва республикамизнинг юбилей байрамига таклиф қилишга ижозат бергайсиз. Литваликларнинг меҳмондўстликлари азалдан маълум. Сиз мана шу меҳмондўст диёрда сиз азиз ва эъзозли меҳмонимиз бўласиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ленин мукофотининг лауреати, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга сўз берилади.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб, ўртоқ Л. И. Брежневни давомли қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар.

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи газетамизнинг 1-бетида босилмоқда).

* * *

Тантанали йиғилиш охирида Г. М. Марков бундай деди:

Азиз Леонид Ильич, бугун мана шу залда билдирган эзгу туйғуларингиз ва илҳомбахш сўзларингиз учун кўпдан-кўп раҳмат. Совет ёзувчилари ва журналистлари, рассомлари ва бастакорлари, кино, телевидение, театр, архитектура усталари аввалгидек, ҳамиша ва ҳар жойда халқ билан бирга, жонажон Коммунистик партия билан бирга бўлишларига, партия планларини ва режаларини амалга оширишга ўзларининг бутун кучларини сарфлашларига шак-шубҳа йўқ.

Г. М. Марков Леонид Ильичга келгусида ҳам Ленининг музаффар байроғини — тинчлик ва коммунизм байроғини ҳозиргидек комил ишонч билан баланд кўтариб бораверишини тилади.

(ТАСС).

НАЗОРАТ ДОИМИЙ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

«Думалоқ стол» атрофида учрашув

Беш йилликнинг якунловчи йилида Тошкент меҳнат коллективлари олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Шаҳар партия ташкилотлари тошкентликларнинг план ва мажбуриятларини муддатидан аввал бажаришга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олишга жалб этишаяпти. Партия ишининг бош йўналишлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳридаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувидаги нутқида аниқ айтилган.

Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларим ёрдам беряптилар. Корхоналарда, қурилишларда, муассасаларда ва ташкилотларда, министрликларда ва маҳкамаларда юзлаб комиссиялар иш олиб бораяпти. Улар барча белгиланган вазифаларни амалга оширишга, хўжалик фаолиятини яхшилашга, партия ва ҳукумат қарорларини сўзсиз бажаришга катта ёрдам кўрсатишаяпти.

Тошкент шаҳар партия комитети ва «Тошкент оқшоми» газета редакцияси томонидан ташкил этилган «Думалоқ стол» атрофидаги учрашувда партия ташкилотларининг комиссиялари иши самарадорлигини ошириш, улар томонидан тўпланган тажриба, кундалик фаолиятда кўзда тутилган бўладиган масалалар ҳақида сўз борди. Бу ерда партия ташкилотларининг секретарлари ва уларнинг муовинлари, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ташкилотлари, ўқув муассасалари, министрликлар ва маҳкамаларнинг аппаратлари партия ташкилотлари секретарлари ва уларнинг ўринбосарлари, комиссия раислари тўпланишди. Муҳокамада Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. ДУДИН, шаҳар партия комитети ташкилий бўлими мудири Ю. А. ЧУРСИН, шаҳар партия комитетининг бошқа масъул ходимлари қатнашдилар. Бу суҳбат баённи газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

К. Дудин: Меҳнат коллективларини ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашда, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш мақсадида уларга маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи берилган. Биринчи марта бу ҳақдаги қонда КПССнинг XVIII съездида қабул қилинган Уставда ёзилган ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига тарқатилган. КПСС XXIV съездя Уставнинг бу қоидасини лойиҳа ташкилотлари, конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув муассасалари, маданий-оқартув муассасалари ва бошқа муассаса ва ташкилотларга ёйди. Министрликлар, давлат комитетлари ва бошқа марказий ва маҳаллий Совет, хўжалик муассасалари ва маҳкамалардаги бошланғич партия ташкилотларига келганда эса, КПСС Уставининг 60-параграфида айтилганидек, улар аппаратининг партия, ҳукумат директивааларини бажаришни, совет Қонунчилигига риоя қилинишини назорат қиладилар.

Маъмурият фаолиятини партиявий назорат қилишга ленинча принциплари асос қилиб олинган. Бу принциплар КПССнинг съездларида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида, Коммунистик партия Программасида янада ривожлантирилди.

Бошланғич партия ташкилотлари партия XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларини амалга оширувчи жанговар куч бўлишлари, барча янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлашлари, нуқсонларга, масъулиятсизликнинг барча кўринишларига, интизомсизликка — олдинга ҳаракат қилишимизга ҳалақит берадиган барча иллатларга қарши курашишлари лозим. Бу вазифаларни амалга оширишда назорат қилиш ҳуқуқи партиявий таъсир кўрсатишнинг синалган воситаси саналади.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, комиссияларнинг фаолияти партия ташкилотларига уларга бериб қўйилган назорат қилиш ҳуқуқидан планли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш, ишнинг энг масъул участкаларини доимо диққат марказида тутиш, камчиликларни тезда аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини топиш имконини беради. КПСС XXV съезди меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, масъул шахсларнинг топширилган иш учун, ўзининг беш йиллик планлари ва мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини ошириш бўйича партия ташкилотлари олдига қўйган вазифалар асосида комиссияларнинг роли янада ортади.

Кенг оммалашган назорат формаси сифатида сўнгги йилларда суҳбат ўтказиш, ходимларнинг ҳисоботини тинглаш каби формаларни тилга олиш мумкин. Бунда фақат коммунистларнинг ҳисоботигина эмас, балки партиясиз ходимлар билан суҳбат ҳам назарда тутиляпти. Индивидуал ишнинг бу формаси катта фойда беряпти.

Раҳбарларнинг ҳисоботини тинглаш олдидан ишнинг аҳволи чуқур ўрганилганда, аниқ иш шароити билан танишилганда, кишиларнинг фикр-мулоҳазаларига, маслаҳатларига эътибор билан қаралгандагина катта фойда келтиради. Бунда партия комитети ҳам хўжалик раҳбари адресига аниқ таклифлар айтади.

Лекин ҳатто энг зўр тайёргарлик кўрган тақдирда ҳам раҳбарнинг ҳисоботини тинглаш, қарор қабул қилиш фақат ишнинг боши, уни охирига етказиш эса кейинги ташкилий ишларга, қабул қилинган қарорнинг аниқ бажарилишига боғлиқ.

Коммунистларнинг йиғилишларда, матбуотда чиқишлари ҳам маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг бир формаси ҳисобланади. Социалистик мусобақа назоратнинг оммавий формасидир. Меҳнат коллективлари ўз зиммаларига юксак мажбурият қабул қилишар экан, ўз имкониятларини ана шунга сафарбар этадилар, ишлаб чиқариш резервларини излаб топадилар, янада такомиллашган техника ва технологияни жорий этадилар, рационализаторлик таклифларини киритадилар, илғор тажрибалардан фойдалан а д и л а р. Оммавий-партиявий назорат социалистик мажбуриятларни, мусобақа якунларини коллектив суръатда муҳокама қилишда намоён бўлади.

Шаҳар партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларига раҳбарлик қилиш борасида катта тажриба тўпладилар, шу билан бирга, уларнинг ишини янада такомиллаштириш талаб этиладилар. Бугун ана шу масалаларни муҳокама этишни партия ташкилотлари секретарлари ва комиссия раислларининг мулоҳазаларини эшитишни, натижаларни таққослашни, беш йилликнинг якунловчи йили вазифаларини белгилашни истардик. Масалан, транспорт ташкилотларида ишнинг аҳволи қандай?

Р. Капанчиев, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг партия ва ҳукумат директивааларини бажариш бўйича аппарат ишини назорат қилиш комиссия раиси:

— Бизда учта комиссия: КПСС Марказий Комитетининг ўнинчи беш йилликда темир йўл транспортини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи комиссия мавжуд. Бу комиссиялар шундай муҳим ричаг бўлдики, унинг воситасида йўл бошқармаси партия комитети аппарат ишини такомиллаштиришга таъсир кўрсатади, ходимларни топширилган ишга юксак масъулият руҳида тарбиялайди. Улар мунтазам текширувлар ўтказиляпти. Унинг натижалари ҳақида партия комитетида ҳисобот беришади, зарур чоралар кўрилишига эришишади. Жумладан, 1979 йилда юкларнинг сақланишини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкам ривожлантириш, йўлларда қатновни кўпайтириш, турли бўлинмаларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларнинг бажарилиши текширилди.

Бу текширишлар яхши натижалар бераяпти. Жумладан, янги техникани жорий этишни назорат қилиш комиссиясининг яқиндан берган ёрдами билан 1979 йилга белгиланган 285 та тадбирдан 281 таси бажарилди.

К. Дудин:— Шу муносабат билан шундай савол туғилади: партия комитети комиссияси, бошқа жамоат ташкилотлари, масалан, халқ контроли группаси фаолиятига қандай таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, куч-ҳаракатларни бирлаштириш натижасида ўтказилаётган текширувларнинг тақорланиши истисно қилинади. Бу масалалар бутун куч-ғайратларнинг асосий йўналишларда жалб этиш талаб этиладиган бирлашма шароитида ғоят кескин бўлиб турибди. Фақат шундагина маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи яхши самара беради.

Ўнинчи беш йилликда олдинга қўйилган вазифалар асосида саноат корхоналари партия ташкилотлари, масалан, диққат-эътиборни биринчи навбатда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича давлат планларининг бажарилишига; энг муҳим буюртмаларнинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга; ишлаб чиқаришга янги техниканы жорий этишга; меҳнатни илмий ташкил этишга; хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқаришнинг янги принципларини амалга жорий этишга; кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга; уларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратишлари лозим.

Шу билан бирга партия ташкилотининг ичидагина эмас, балки турдош корхоналар партия ташкилотлари алоқасини ҳам мустаҳкамлаш зарур. Бу борада иш қандай бораяпти?

Р. Ян-Борисов, «Узгипрозем» лойиҳалаш институти маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси раиси:

— Бизнинг коллективимиз қишлоқ жойларида муҳим объектларни лойиҳалаб беради. Барча топшириқларни ўз муддатида юқори сифатли қилиб бажаришга интиляпмиз. Лекин шундай ҳол бўлдики, буюртмачи объектга ўз вақтида маблағ ажратиб бермади. Комиссия бу масалани текшириб кўриб парткомга ҳавола этди. Партия комитети эса буюртмачи ташкилотнинг партия комитетига ва маъмуриятига тезда мурожаат қилди, ишни тўғри йўлга қўйишни таклиф этди.

Залдан савол: — Натижаси қандай бўлди?

Р. Ян-Борисов: — Аъло! Ўша заҳотиёқ маблағ ажратилди.

Шунингдек, комиссия раисларининг партия комитети, партия бюролари составига киритишларини таклиф этар эдик. Бу эса уларни партия ташкилотларида кўрилаётган муҳим масалалардан огоҳ этар, қарорлар ишлаб чиқишда актив қатнашиш имконини берар эди.

Ю. Чурсин: — Низомга мувофиқ комиссия партия ташкилотлари билан параллел суратда қандайдир контроль органи сифатида иш кўрмайди. Улар ташкилий формалардан бири бўлиб, улар орқали бошланғич партия ташкилотлари КПСС Уставида берилган имкониятни, яъни маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини амалга оширади. Комиссия бевосита партком, партия бюроси раҳбарлиги остида иш олиб боради, комиссия раисининг раҳбар органлар составида бўлиши масаласини эса жойларда коммунистларнинг ўзлари ҳал этишади.

К. Дудин: — Эҳтимол, партком, партия бюросининг ҳам йиғилишларига комиссия раисини таклиф этишни унутмаслик тўғрироқ бўлар-ди. Сизлар текширишга активни қандай жалб этяпсизлар?

Р. Ян-Борисов: — Комиссия аъзолари экономистлар, лойиҳаларнинг бош инженерлари ва етакчи мутахассислари, халқ контроли органлари вакилларидан ташқари ҳар қандай текширишга қатнашадилар.

К. Дудин:— Партия контролининг муҳим хусусиятларидан бири оммавийлик ва ошкоралиқдир. Контроль ишига барча коммунистларни, партиясизларнинг кенг активини жалб этиш, уларнинг фаолиятида ягона методикага амал қилиш лозимга ўхшайди

• САЙЁРАМИЗ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАН?

ТИНЧ ОКЕАН ТУПРОҒИ ОЙГА КЎЧГАНМИ?

Она-Еримизда Тинч океандек катта, мўъжиза ва «топишмоқларга бой бирон жой бўлмаса керак. Бу улкан уммони-баҳрнинг ҳажми қолган ҳамма океанлар йиғиндисига тенг ёки планетамиз сатҳининг учдан бир қисмини қоплаб ётади. Шу боисдан бўлса керак, баъзи олимлар сайёрамизнинг Ер деб аталишига эътироз билдиришиб, уни сув планетаси, деб атапса тўғрироқ бўлур эди, дейишмоқда.

Маълумки, океанлар қадим геологик даврларда тириклик ва умумий ҳаёт бешиги бўлибгина қолмай, ҳозир улар кислородни тайёрловчи бирдан-бир асосий манба, ер юзида иқлим шароитини бошқариб турувчи бениҳоя улкан термостатдир. Бундан ташқари, океанлар келгусида инсоният учун чексиз озиқ-овқат манбаи бўлиши ҳам муқаррар. Ҳозирги кундаёқ олимлар «келажак экономикаси—бу океанлар экономикаси» деб уқтиришмоқда. Шунинг учун ҳам океанларга бўлган қизиқиш кейинги ўн йиллар давомида йил сайин эмас,балки кун сайин ўсиб боряпти.

Олимлар Тинч океанини текширган сари, унинг янгидан-янги муаммолари намоён бўлмоқда. Бир ўйлаб кўринг-а, бу муҳитнинг атрофи қуруқликдаги тоғлар билан ўралган, зилзиланинг даҳшатли зоналари ҳалқасимон жойлашган, вулканлар доимо ҳаракатда, ер қобиғи горизонтал чизиғи бўйлаб ҳаракатда, бир сўз билан айтганда океан гўё «нафас» олиб, ўзига хос ҳаёт кечирмоқда. Минг йиллар давомида инсон бу сув «олами» билан мулоқатда бўлиб, унинг сирли жумбоқларини очди ва очяпти. Кимда-ким бу масалага бир оз бўлса ҳам ёндошгудай бўлса, ўз-ўзидан биринчи бўлиб:

— Бу улуғ океан қандай пайдо бўлган? — деб ўйлайди. Ҳозирги кунда бу саволга аниқ ва равшан жавоб топилган бўлмаса ҳам, бу тўғрида хилма-хил фаразлар бор. Бир хил олимлар фикрига кўра, океан «косаси» — чуқурликлари Ер юзида олдиндан бор бўлиб, у секин-аста сув билан тўла бошлаган. Иккинчи бир ҳақиқатга яқин фаразга кўра, ҳозирги Тинч океан ўрнида бир бутун қуруқлик мавжуд бўлиб, у геологик жараёнлар таъсирида аввало дарз кетган ва астасекин кенгайиб океан «косаси»ни пайдо қилган. Шу асосда океан остидаги «суюқ» модда устида бетиним қитъалар қарама-қарши томон сузганлар ва океанга жой бўшатганлар. Шуни уқтириш керакки, бу ҳаракат сезилар-сезилмас ҳамон давом этмоқда. Бундан ташқари, Еримизнинг тузилиш тонгида коинот кучлари Ер сатҳидан бир бўлакни юлиб олган ва уни самога улоқтириб Ер йўлдоши — Ойни пайдо қилган деган фикр ҳам мавжуд. Ана шу «юлинган» Ой ўрнида океан косаси пайдо бўлган деган фаразлар ҳам бор.

Совет олимлари ҳам бошқа мамлакат олимлари қаторида дунё океанини текширишга катта эътибор беришмоқда. Унинчи беш йилликнинг биринчи йилларидан бошлаб Сахалин комплекс илмий-текшириш институти улуғ сув муҳити ичкариси томон бир неча илмий-тадқиқот экспедицияларини юборди. Ана шу экспедицияларидан бири геология-минералогия фанлари доктори И. Туезов раҳбарлигида Гавай оролларни ва Мариан атрофларида тарновсимон чўзилган энг теран чуқурлик оралиғида жойлашган сув ости Маркус-Неккер тоғини текширди. Олимларни, бу тоғ доимо сув остида бўлганми ёки у қуруқликда ҳам «яшаган»ми, деган савол қизиқтирар эди. Қаранг-ки олимларининг машаққатли меҳнати эвазига Маркус ўз «сирини» қисман очди, унинг ён бағрида ястланиб ётган чўкинди жинслар қалинлиги бекиёс катта бўлиб, 1400 метрга етар экан. Одатда бу рақам 200—400 метрдан ошмас эди. Сейсмик тўлқинлар сув ости тоғи сатҳидан одатдаги даққаларнинг ўндан бири ўрнига уч дақиқада қайтиб. асбобларда ўз аксини кўрсатди. Демак, совет олимлари у ердаги тоғ жинсларининг яна ҳам чуқур қатламларини «кўриш»га муваффақ бўлдилар.

Кези келганда яна бир сув ости тоғининг «сири» ҳақида сўз юритамиз. Ҳозирги кунда шундай фараз мавжудки,унинг ўқтиришига кўра, Ер планетасининг магнит қутблари ва унинг белгилари доимо ўзгариб турган: Шимолий қутб жанубга томон ҳаракат қилган бўлса, ўз навбатида жанубий қутб шимолга томон ҳаракат қилган. Бу ҳаракатлар қадимий геологик даврларда ер юзида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиши ва магнитли минераллар ва тоғ жинслари ёрдамида ишончли даражада аниқланган. Сахалин олимларининг фикрига кўра, Маркус тоғи вулканий жинслари ана шу қутбларнинг ўзгариш — ўрин алмашиш чоғида пайдо бўлганлиги аниқланди.

Шу институтнинг бошқа бир океан экспедицияси Курил-Камчатка тарновсимон чуқурлиги зонасида иш олиб борди. Улар океан остига 300 мартадан ошиқ «шўнғиб», унинг тагидаги тоғ жинсларидан намуналар олишди. Гоҳо бу ишларни бажариш учун улар 10 минг метрли сув остига ҳам тушиб чиқдилар ва илмий жиҳатдан қизиқ материаллар тўплашга муваффақ бўлдилар. Масалан, тарновсимон океан чуқурлиги остида ҳеч қандай чўкинди жинслар йўқ экан. Бу, ўз навбатида унинг нисбатан жуда ёш эканлигидан дарак бериб, океан ости бу ерда яқин геологик ўтмишда дарз кетиб ёрилганлигини яққол кўрсатади.

Юқорида зикр этилган материаллар фақатгина назарий аҳамият кашф этмай, балки катта амалий истиқболларга ҳам эга. Чунки турли-туман фойдали қазилмаларни ер қобиғи орасидан излаб топиш ва уларнинг ер остида жойлашиш қонуниятларини олдиндан ифодалаш учун сайёрамизнинг тадрижий такомилини ва унда содир бўлган геологик жараёнларнинг ҳақиқий омилларини билиш керак бўлади. Шу боисдан Тинч океан муаммоларини ечиш учун бутун дунё мамлакатларида ҳар хил илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, океанларни ҳар тарафлама текшириш бутун жаҳон проблемаси ва турли мамлакатлар ҳамкорлигида ҳал этилиши мумкин бўлган масалага айланиб бормоқда.

Шундай халқаро «Океан масалалари»дан бири-океаннинг асосий минерал хом ашёси ҳисобланган сувидан фойдаланиш проблемасидир. Маълумки, кейинги йиллар давомида сайёрамизда ичимлик— чучук сувни истеъмол қилиш кун сайин ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, пламетамизда ҳалқлар нуфузининг ошиб бориши ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан тараққий этишидир. Бу соҳадаги айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Аниқлашларга кўра, бир тонна пўлат тайёрлаш учун 6 тонна чучук сув керак бўлса, бир тонна капрон ишлаб чиқариш учун 5.000 тонна чучук сув сарфланар экан. Бунинг устига ирригация шаҳобчалари қанчаданқанча сув «ичиши» кўпчиликка маълум. Сайёрамиздаги чучук сувлар запаси эса анчагина кам бўлиб, умумий сайёрамиздаги сувларнинг бир процентини ҳам ташкил этмайди.

Шундай қилиб, Ерико сатҳида чучук сув дефицитга айланиб бормоқда. Ер сатҳида мавжуд бўлган ҳамма чучук сув запасларидан бир ҳилда фойдаланиш имкониятларининг йўқлиги ҳам бу дефицитни кун сайин оширмоқда. Бунинг устига чучук сув Ер сатҳида ҳамма ерда бир хил тақсимланган эмас. Қизиғи шу ердаки, қаерда чучук сув кўпроқ зарур бўлса, ўша ерда бу ҳамма вақт етишмайди.

Келажакда планетамиздаги чучук сув етишмовчилигини ҳал этишдаги бирдан-бир манба, бу дунё океанидир. Чунки уларда сайёрамиздаги сув запасларининг 97 процентн мужассамлашган. Улардаги шўр сувдан чучук сув олиш узоқ-кесил ҳал этилса борми, аввало қурғоқчилик зонасидаги давлатлар сув чанқоқлигидан қутиладилар.

Умуман олганда, океан ва денгизларнинг шўр сувидан чучук сув олиш мутлақо янгилик эмас, албатта. Бу ишлар XIX асрнинг охирларидаёқ Краснодар ва Боку шаҳарларида бошланган эди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида шўр сувдан чучук сув оладиган юзлаб асбоб-ускуналар ишлаб турибди. СССРда ҳам, жумладан Шевченко шаҳрида, Сумгаитда Каспий сувидан атом реакторлари ёрдамида, Ўзбекистонда эса Қуёш энергияси ёрдамида Қизилқум чўлларидаги қудуқлар шўр сувидан чучук сув олиш қурилмалари ишлаб турибди. Чет элларда эса, Урта ер денгизи атрофларида, Африка қирғоқларида, Кариб денгизи қирғоқларида турли қурилмалар катта фаолият билан маҳсулот бермоқда. Масалан, Кариб денгизидаги Кюрасио оролининг бутун халқи денгиз шўр сувидан олинаётган чучук сувни истеъмол қилмоқда. У ердаги қурилмалар бир кечаю-кундузда ўн миллион литрлаб чучук сув бераоладиган қувватга эга.

Шўр сувнинг асосий қисмини ташкил этган тузларидан «озод қилиш» анчагина мураккаб ва кўп энергия талаб қиладиган жараёндир. Бу соҳада кўпгина усуллар таклиф этилишига қарамай, улар ичида энг самара билан ишлайдигани кўп босқичли ишлаб чиқариш процессидир. Шулар қатори шўр сувни музлатиб электродиализ қилиш усули ҳам мавжуд ва у нисбатан арзонроқдир. Маълумки, бу усулда ҳароратнинг пасайиши билан шундай бир вазият ҳосил бўладики ,у пайтда чучук муз доналари пайдо бўлади. У зудлик билан ажратиб олинади ва эритиб ундан ичимлик сув сифатида фойдаланилади. Аниқлашларга кўра, олинган чучук сувнинг таннархи асосан унга сарфланаётган энергия қиммати билан ўлчанилади. Шунинг учун ҳам Шевченко шаҳрида бу соҳа учун нисбатан арзон атом энергияси қўлланилмоқда. Шундай қилиб, Каспий денгизининг ғарбида жойлашган нефтчилар шаҳри Шевченкода ва Ғарбий Қозоғистонда арзон электр энергияси билан чучук сув олинмоқда.

Юқорида баён этилган фикрлар Дунё океани сайёрамиздаги тирик ҳаёт учун катта роль ўйнашини яна бир бор тасдиқлайди ва уларнинг турли-туман фойдали қазилма, озиқ-овқат манбаларига бой «чексиз» бир макон эканлигини кўрсатади. Лекин океанларнинг бу кўпчилик эҳсони ичида энг қимматлиси чучук-ичимлик сувдир.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳ. ХУДОЙҚУЛОВ, Р. ЭГАМБЕРДИЕВА: 23 сўм 80 тийин қариликка пенсияси оламан. Турмуш ўртоғим Улуғ Ватан урушида ёдгорак йўқолган. 35 йил колхозда ишладим. Менинг пенсия пулим ошадими?

Жавоб: «Давлат пенсияси тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низом»га мувофиқ аёл эрининг қарамоғида бўлса эри ўлгандан кейин кексалик ёшига етган бўлса ёки боқувчиси вафот этганга қадар ё бўлмаса боқувчиси вафотидан беш йил ўтгандан кейин инвалид бўлиб қолса, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

∴ ∴ ∴

А. ХАЛИЛОВ: Ўн йил бир соҳада, ундан сўнг 15 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. Айтинг-чи, ёшимдан қатъий назар, узоқ муддат хизмат қилганим учун пенсияга чиқишим мумкинми?

Жавоб: СССРнинг Министрлар Советининг қарорига биноан, ўқитувчилар ва халқ маорифининг бошқа ходимларига ўз ихтисослари бўйича камида 25 йил ишлаганларидан сўнг пенсия тайинланади. Ўқитувчилар ва халқ маорифининг бошқа ходимларига узоқ муддат хизмат қилганликлари учун ойлик маошларининг 40 процентн миқдорида пенсия тайинланади. Пенсия ишни тўхтатгандан сўнг тайинланади.

∴ ∴ ∴

Т. БЎРОНОВА, Л. ИЛҲОМОВА: Қаҳрамон оналарга бериладиган пенсия ва имтиёзлардан хабардор қилишингизни сўраймиз.

Жавоб: «Давлат пенсияси тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низом»нинг 17-моддасига мувофиқ беш ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналар 50 ёшга етганда ва камида 15 йиллик иш стажи бўлса, пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

СССРнинг колхоз пенсияси тўғрисидаги Қонунига мувофиқ, беш ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган. 50 ёшга тўлган ва 15 йиллик иш стажи бўлган аёлларга ҳам имтиёзли пенсия тайинланади.

∴ ∴ ∴

М. КАРИМОВА, Н. ҒАННЕВ ва бошқалар: Колхозда ишлаган даврдаги меҳнат стажи 1980 йилдан бошлаб умумий иш стажига қўшилади, деб эшитдик. Шу тўғрими?

Жавоб: СССРнинг «Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ва янада яхшилаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, колхознинг собиқ аъзолари ва уларнинг оила аъзолари, агар улар колхозга аъзо бўлган, яъни маълум даражада иш стажига эга бўлса ва ёши етган тақдирда 1980 йил 1 январдан колхоз пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эга.

Олдинги Қонунга биноан, колхознинг собиқ аъзолари колхоздан кетиб қолган бўлсалар, уларга пенсия тайинланмаган.

Пенсияга чиқаётган колхозга аъзо бўлиб ишлагандаги иш стажини давлат ёки бошқа корхона, ташкилот ва муассасалардаги иш даври билан қўшиб ҳисоблаш Давлат пенсияси тўғрисидаги янги Қонунда ҳам кўзда тутилмаган.

∴ ∴ ∴

С. МИРБОБОЕВ: Мен В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг сиртқи бўлимида ўқиймаи. Айтинг-чи, давлат имтиҳонлари топшириш учун қандай имтиёзлар белгиланган?

Жавоб: Олий ўқув юртларида сиртдан ўқиётган студентлар учун биринчи ва иккинчи курсларда 30 кунлик ҳақ тўланадиган отпуска берилади. Кейинги курсларда эса 40 кундан отпуска берилади. Ҳудди шу қонда ўрта махсус ўқув юртларининг сиртқи бўлими студентларига ҳам тааллуқлидир. Уларга давлат имтиҳонларини топшириш учун 30 кун отпуска берилади.

3 ТОШКЕНТ бет. оқшоми

1 АПРЕЛЬ, 1980 й.

БИРИНЧИ АПРЕЛЬ — ХУШЧАҚЧАҚЛИК КУНИ

ҲАЗИЛ ВА ЧИН

Фасллар келинчак қўклам қимирлаган жон борки — ҳамманинг шўхлигини қўзғатиб, кишиларнинг табиат қўйнида сайр қилишга, ўйин-кулгига, ҳазил-мутойибага бўлган иштиёқини ошириб-тошириб юборади. Дунёдаги турли халқларда қадимдан расм бўлиб келган одат —1 апрель куни яқин таниш-билишларига ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларни айтиб уларни лақиллатиш аслида одамлардаги ана шу баҳорий кайфият билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлса ажаб эмас. Қуйида тарихий воқеаларнинг айримларини оқшомхонлар билан баҳам кўрмоқчимиз.

Машҳур немис археологи Генрих Шлиман (XIX аср) Гомер асарларида эслатилган жойларни текшириш бўйича тенги йўқ мутахассислардан ҳисобланган. Унинг Гомергача бўлган Эгей маданиятига бағишланган китоблари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Бир куни Г. Шлиманга дўстлари «Кичик Осиёда ўтказилган археологик қазувларда топилди» деб бир тош совға қилишади. Совғани қабул қилиб олар экан, Г. Шлиманнинг кўзлари қувончдан чақнаб кетган эди. Аммо бу қувонч узоққа чўзилмади. Олим ҳарчанд уринмасин, барибир ёзувни ўқий олмади. Чунки бу ёзув шу вақтгача олим дуч келган биронта ҳам хатга ўхшамас эди. Ҳафсаласи пир бўлган Г. Шлиман қариндошларига васият қилиб: «Агар ўлсам, гўрим устига қабртош ўрнига мана шу лаънати тошни қўйинглар», дейди.

Кунлардан бир куни Г. Шлиманнинг ҳузурига қадимий ёзувларга қизиққан бир ўспирин кириб, унга шогирд тушиш истагини билдиради. Г. Шлиман:

—Дуруст, агар сиз мана шу ёзувни ўқий олсангиз, мен сизни шогирдликка оламан. —дейди.

Йигит ёзувга бир пас тикилиб турди-да:

—Бу ерда «Биринчи апрель» деб ёзилибди деб жавоб беради. «Сирли» ёзувнинг бунчалик осонлик билан ўқилганидан ҳангуманг бўлиб қолган олимга ўспирин тушунтирибди:

— Бу ёзувнинг Кичик Осиёга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Манави чизиқларга қаранг: улар эски немисча готик ҳарфларнинг ўзгинаси-ку!

Шунда кекса олим пешонасига секингина бир шапати уриб: «Эҳ, каллаварам!» деб қўйган ва зукко йигитни шогирдликка олган экан.

Биринчи апрель ҳазиллари айниқса Ғарб мамлакатларида шу қадар кенг тус олган. Баъзи мисоллар келтирамиз.

АҚШда чиқадиган «Нью-Йорк сан» газетасининг 1834 йил 1 апрель сонида шу ерлик машҳур астроном Ж. Гершель самовий жисмларни жуда катта қилиб кўрсатадиган телескоп ясагани, олим шу телескоп ёрдамида Ойда истиқомат қиладиган ажойиб-гаройиб махлуқотни кузатгани тўғрисида хабар қилинган эди. Бизнинг замонамизга келиб Гершелнинг ватандошлари Ойга ҳам чиқиб тушишди, у ерда махлуқотлар у ёқда турсин. умуман ҳаётдан асар йўқлиги маълум бўлди.

Дарвоқе, соддадил одамлар бизнинг замонамизда ҳам кўп экан. Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Юнге вельт» газетаси яқингинада — 1968 йил 1 апрель сонида «Гипотекс» деган янги ўқув аппарати яратилганлиги тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди. Эмишки, бу аппарат ёрдамида ухлаб ётган одам қисқа муддат ичида бира-тўла уч тилни—рус, инглиз ва француз тилларини сувдек ўзлаштириб олармиш. Шу аппаратни сўраб одамлар роса хат ёзишди.

Ҳазил, ҳазил билану, лекин газетада ҳазил тариқасида босилиб чиққан нарсалар чинга айланиб кетган пайтлар ҳам кўп бўлган.

Ўтган асрнинг бошларида АҚШда чиқадиган газеталардан бирида Америка билан Европа ўртасида денгиз остида ўтказилган кабель орқали алоқа ўрнатилганлиги тўғрисида биринчи апрель ҳазили босилиб чиққан эди. Орадан унча кўп вақт ўтмасданоқ Атлантика океани остидан ўтказилган кабель орқали Европа Америка билан ҳақиқатан ҳам муомала қила бошлади.

Яна ўша «Нью-Йорк сан» газетасининг 1844 йил 1 апрель сонида америкалик улуғ шоир ва ўткир сюжетли ҳикоялар муаллифи Эдгар Аллан Понинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир ахбороти босилиб чиқди. Унда бошқариладиган дирижабль ясалганлиги, бу аппарат Европадан АҚШнинг Виржиния штатигача бўлган масофани уч соатда босиб ўтганлиги айтилганди. Бу гапга кўпчилик лаққа тушган. Поннинг биринчи апрель ҳазили қилганини билиб қолгач, баъзибир қизиқ-қонроқ янкилар, ёзувчини калтаклашмоқчи ҳам бўлган эди, ҳайтовур ҳазилни тушунадиган кишилар ўртага тушиб, ҳазилнинг зили чиқмади. Орадан роса 80 йил ўтгач, бу ҳазил ҳам чинга айланди: Англиянинг «Р—34» дирижабли Атлантика океани устидан АҚШга учиб ўтди.

Швейцарияда чиқадиган «Нойе Цюрхер цайтунг» газетасининг 1886 йил 1 апрель сонида мамлакатнинг Юнгфрау тоғида темир йўл қурилади, деган хабар босилиб чиқди. Шундан кейин редакцияга «Тавба, бу қандай майнабозчилик бўлди? Тоғда ҳам темир йўл қуриб бўлармишми?» деган мазмундаги хатлар ёғилиб келаверди.

Аммо орадан бир неча йўл ўтгач, Швейцариянинг худди ўша тоғида темир йўл қурилди ва унинг бир учи Юнгфрау чўққисигача бориб етди. Ҳаммадан қизиғи шунда эдики, темир йўлни қурдирган саноатчи бой Гуйер-Целлернинг миясига тоғда темир йўл қуриш тўғрисидаги фикр дастлаб газетадаги ўша 1 апрель ҳазилини ўқигандан кейин келганди.

Берлинда чиқадиган газеталардан бирининг 1912 йил 1 апрель сонида самолёт Ҳиндистондан Берлинга чой олиб келди, деган хабарни ўқиб, «Самолёт ҳам шундай узоқ масофага ўча олар экан-ми!» деб роса кулишган экан. Энди эса ўша давр кишиларининг самолётларга бундай ишончсизлик билан қарашининг ўзи кулгили бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз: «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган-да.

А. Муҳаммадқулов.



Оққушлардек хиромон айлаётган бу дилбарлар Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг рақҳосалари. Уларнинг ҳар бир ўйини дилларга ором, завқ-шавқ бағишлайди.
М. Нуриддинов фотоси.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

ЎЗИМ ЎРГАНДИМ

Ботинкамни мен ўзим,
Ўргандим кийишни ҳам.
Ипларин таранг қилиб,
Боғлайман жуда маҳкам.
Артиб тоза қиламан,
Ғарч-ғурч қилур юрганда.
Ҳамма менга қарайди,
Кўча-кўйда кўрганда.

Низомжон УМАРОВ,
Андижон.



«Ёш новдада ҳаёт давом этади».



«Асаларилар гулни чақмайди, бол эмади».
Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ЛУТФИ ШИРИННИНГ— ҲАЁТИ ШИРИН

Халқимизда «ҳазилнинг таги зил» деган нақл бор. Чиндан ҳам ўйланмай қилинган қалтис ҳазилнинг таги зил бўлиши муқаррар. Лекин ҳазил-мутойибага ашаддий ўч, меҳнатсевар, қувноқ халқимиз юқоридаги фикрга қарама-қарши ўлароқ, «ҳазилни билмаган кал Фозил» деган иборани ҳам тез-тез ишлатиб юради. Ҳазил одатда яқин, синашта дўстларга нисбатан ишлатилиб, агар у усталик, нозик дид билан ўйланган бўлса, минутлаб, соатлаб, кунлаб, ойлаб, йиллаб чўзилиши, ҳатто, бир умр давом этиши мумкин. Бундай сидқидилдан чиқадиган бегараз ҳазилдан шубҳасиз ҳар икки томон завқланади, енгил тортади, диққинафас бўлиб қовоқ солиб юрмайди. Маълумки, юзидан табассум аримайдиган хушчақчақ кишиларнинг ишлари ҳам юриша қолади, уларнинг ширин сухбатидан баҳраманд бўлиш учун самимий ёру-дўстлари кўпаяди.

Баъзан бирор илмий даражага эришган ёки мартабага минган одамлар биздан турк-автонрини ўзгартириб, тишининг оқини кўрсатишни ҳам тарк қиладилар. Уларга «...армуғон эссиз, тилла нақш камар зое» дегандек, на ҳазил, на бирорта қизиқ латифа ёқади. Бунақалар: «Супурги ушласам, кўрганлар «фаррош» дейишмасин» қабилида иш тутиб, мумкин қадар «жиддий», «вазмин». бошқаларга қараганда «улуғроқ» бўлиб юришга ҳаракат қиладилар. Врачлар мени кечирсинку, кўпроқ инфаркт касалига шулар гирифтор бўлсалар керак.

Яна бир хил тоифа одамлар борки, ўзлари (хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин) бемазадан-бемаза ҳазил қиларадилар, борди-ю уларга жавоб қилсангиз, сиздан ранжиб, камситишга тушадилар. Бирор даврада қизиқроқ гап ёки латифа бошлаб қолгудек бўлсангиз: «бунақамас», «ҳа, анови гапми, уни эшитганмиз» дея оғзингизга уриб «билармонлик» қиладилар. Илож бўлса, у кишидан бошқа одам гапирмаса. Қойил қилса майлия. саккиз-тўққиз оғиз сўз билан лўнда айтиладиган латифа ёки ҳандон чайналиб, кераксиз изоҳлар қўшиб, тупроққа тушган гўштдек қилади, энсани қотиради. Бундайларни эгоист плюс беодоб деб атангинг келади.

Дарвоқе, гап ҳазил хусусида эди. Ҳазилнинг энг яхшиси, характерини билган яқин дўстларингга маълум маҳорат ва лутф сўзлар билан ифода қилишдир, дедик юқорида. Кўпинча нариги томоннинг лақабини (баъзиларда лақаб қушлар, жониворлар номи бўлади) очиқ-ойдин айтишни ҳазил деб тушунадилар. Бу ҳазил эмас, кўпроқ мазахга яқинлашиб кетади. Табиий нуқсонини айтиш эса, (чўлоқ, чўтир, найнов, ғилай ва ҳоказо) ўта-кетган тубанликдир.

Жисмоний куч ишлатиб «ҳазил қилиш» эса қўполликнинг амакиваччасидан бўлак нарса эмас. Бир танишим билан кетаётган эдим, у кўпдан бери кўрмай юрган давангидек оғайниси билан учрашиб қолди. «Оббо чилтоней, кўринмай кетдинг, беш юз сўмлик заёмдай» деб танишимни қучоқлаб даст кўтардида, икки-уч айлантириб ерга қўйди ўша оғайниси. Танишимнинг башараси бужмайиб кетди. Оғайниси кетгандан кейин икки букчайиб, нафас ололмай қолди, гапни докадек оқарди. Дарҳол машина тўхтатиб, касалхонага олиб бордим, рентгенга солишди, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, еттита қобирғаси синиб кетибди. Ана сизга ҳазил. Яна бошқа мисол: Янги уйланган пайтим, хотиним билан театрга кетаётибмиз. Ногаҳон кимдир кафти билан курагимиз орасига туширди, қарасам бирга ўқиган «дўстим» чиқиб қолди. Кўришиб қисқа ҳол-аҳвол сўрашдик.

—Э, сенмисан? Танишиб қўй, умр йўлдошим фалончи хон. — дедим, ўнғайсизланиб.

— Ия! — деди у танишиш ўрнига, — бултурги кўрсатганинг бошқа эди-ку!

Қўйди-чиқди бўлишимизга оз қолган ўшанда. Бу ҳам ҳазил. Хуллас, ҳазилнинг ўрни, мавриди, одами бўлади. Бегараз ҳазилдан икки томон завқланиб, маза қилмаса, яхшиси уни қилмаган маъқул.

А. ЗАИНИДДИНОВ.

Сўз тагида · сўз бор

Тил қудрати

Тилда мавжуд бўлган сўзларнинг чиқиб келиши, қайси тилдан олинганлиги ва қандай маъноларда қўлланиши ҳаммани қизиқтирса керак. Шуни эътиборга олиб, бир тилдан иккинчи бир тилга сўз олиш асносида ўша тилнинг луғатини бойитган баъзи актив сўзлар ва уларнинг маъноларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

УНУТИЛГАН СЎЗЛАР

«Айва» сўзи асли қадимги туркий сўз бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тили лексикасидан чиқиб кетган. Бу сўз Фарғона диалектининг баъзи шевалари (Қувасой шаҳри)да адабий тилдаги беҳи маъносида учрайди. «Айва» ўзбек тилининг ўғуз группасига мансуб бўлган Хоразм тип шеваларида ҳозир ҳам учраб туради. Бу сўз ҳозирги замон тилига ўзлашиб актив лексикага айланди. Ҳозирги замон озарбайжон тилида эса айни пайтда кенг қўлланилади.

«Башмак» сўзининг келиб чиқиши асли ўзбекча. Бу сўз рус тилида ўрин топиб, оёқ кийимининг бир тури — шиппакни билдиради. Қадимда «башақ» шаклида туфли, ўқ ва найза учидаги темир, тўпиқ (чиғилча) «башмақ» деганлар. «Башақ» сўзи ҳозир баъзи шеваларда босаг, бошах (Сичқон, Кармак, Қипчоқ қишлоқларида) шаклида учрабди. Бу сўз олдинги даврларда тиғар, тавар шаклида жонли ва жонсиз мол, товарни ифодалаган.

Фарғона диалектининг Болғали, Ирғали, Қуғали, Қорамулла каби шеваларида ҳозир ҳам тавар, тапар, тавир, деб қўлланилади. Диалектнинг деярли барча шеваларида товар сўзини ипакдан тўқилган материалнинг алоҳида бир тури сифатида ҳам тушунилади. Эндиликда бу интернационал сўз даражасига кўтарилиб, кўпгина тилларда кенг қўлланилмоқда.

«Кирпич» сўзи ҳозирги замон рус тилида актив қўлланади. Мазкур сўзнинг ҳам чиқиб келиши ўзбекчадир. Тожикча «гишт» маъносида қўлланувчи кирпич сўзи ўзбек тилининг жуда қадимги маҳсули. «Кирпич»нинг пишган гишт маъносида келиши қадимги туркий обидаларда **(бишқ кешич)** кўп учрайди. Лаҳ ўтиши билан бу сўз ўзбек тилининг Хоразм тип—ғўзатшевароларининг баъзиларида ахён-ахёнда ҳозир ҳам учраб туради. Фарғонадаги айрим қипчоқ шеваларида ҳам қари табақа тилида учрайди.

Кўриниб турибдики, жуда қадимги ўзбекча сўзлар ҳозирги замон ўзбек тилида эрхаик ёки пассив ҳолатга тушиб қолган бўлса ҳам, улар рус ва бошқа тилларда актив қўлланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замон ўзбек тилида архаиклашиб, истеъмолдан чиқиб кетган баъзи сўзлар ўзга тилларда катта мавкега эга бўлиб, актив лексикага айланиб қолган.

Ҳ. УЗОҚОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

Ҳаммаҳарларимиз хизматида

МЕҲМОН ЧАҚИРСАНГИЗ

Хонадонингизда бирор маросим ўтказмоқчи бўлсангиз-да идиш-товоқлар ва шунга ўхшаш буюмларингиз етишмаса шаҳримиздаги 30 га яқин прокат пунктларига мурожаат қилинг. Бу прокат пунктларидан қошиқ, вилка, коса, пиёла, тарелка, дастурхон, рюмка, фужер ва шу каби истаган буюмларингизни ҳоҳлаган муддатга прокатга олишингиз мумкин. Қуйида биз ана шу прокат пунктлари баъзиларининг адресини берамиз: Новомосковская кўчаси 49-уй, телефони 35-35-00; Чилонзордаги саъдо маркази ёнида, телефони 77-14-21; Високовольт кўчаси 34-уй, телефони 62-61-53; Муқимий кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида, Навоий кўчаси 30-«а» уйда, телефон 44-63-15; Кафанов кўчаси 92-уйда, телефони 56-16-90; Сергелидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида, телефони 53-85-88.

Любомир ЯНОВ,
Болгария.

КАСКАДЁР

Каскадёрлик — зўр касб экан. Буни мен яқинда тушундим. Масалан, артист фильмда бирор ролни ижро этяпти. Хавфли дақиқада эса дарров каскадёр ёрдамга келади. Олтинчи қаватдан сакрайдиган ҳам у, ёниб турган аланга ичига тушган ҳам у, асов отдан йиқилган ҳам у, автомобилни ички ғилдирагида юргизган ҳам у. Нақадар моҳир, жасоратли улар. Лекин томошабин буларнинг баридан бехабар. Натижада бутун олқишлар, совринлар артистга тегади.

Ўйлаб-ўйлаб охири шу қарорга келдим: каскадёрлик касбини қонунлаштириб, кундалик ҳаётимизга тадбиқ қилсак. Ўйлаб кўринг-а! Сиз кун бўйи знёфатда бўлсангиз-у, каскадёр сиз учун қурилишда ишласа. Кайфингиз тароқ бўлганда уни ёнингизда олиб юрасиз, йиқилмаслик учун. Бутун маошни ичиб, эмаклаб, гандираклаб келганингизда уйга каскадёрни аввал киргизасиз. Хотинингиз бор жаҳлини, кучини унга сарф қилган, сиз ҳушёр тортиб кириб келасиз. Жаҳл устида бировни уриб майиб қилсангиз, милиция келиб, сизнинг ўрнингизга уни олиб кетса.

Қаранг, қандай маза, худди кинодагидек!

Ҳ. АБДУЛМАЖИДОВ
таржимаси.

Биз Шарқдан борганмиз

ЎЛИМ БИЛАН ОЛИШИБ



Раҳимжон ака ишдан қайтгач шинам хонага кирди. Газета ўқишга тутинди. Одатги шунақа. Кечки овқат олдидан газеталарда эълон қилинган муҳим воқеалар билан танишиб чиқади. Медицина соҳасидаги ҳар қандай материални синчиклаб ўқийди. Буни иш учун фойдали деб ўйлайди. Бу сафар бошқача бўлди. Бир мақолада ёзилган Биржай, Развилишкис деган сўзларга кўзи тушди. Латвиядаги бу шаҳарларни у жуда яхши биларди. Хотиралар бўлган воқеаларни кўз олдида гавдалантирди...

Генерал-майор Кудрявцев кўмондонлик қилаётган дивизияга Развилишкис шаҳрини фашистлардан озод қилиш топширилди. Яшин тезлигида кенгаш ўтказилиб, полк ва роталар қайси йўналишда ҳужум бошлаши кераклиги аниқланди. Ҳужум бефойда бўлди. Мудофаага пухта тайёрланган душман жуда кўп солдатларини сафдан чиқарди. Уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун оддий палаткалардан дала госпитали ташкил қилинди. Портлаш эшитилди. Полк врачи «ўх», деб кўкрагини чангаллади. Ҳамшираллар етиб келганда у қонга беланиб ётарди. Газандалар нақ юрагини нишонга олишган экан.

Кўп ўтмай аҳвол бутунлай мушкуллашди. Орқа томондан ҳам, олд томондан ҳам, қанотлардан ҳам ўқ овози эшитила бошлади. Замбараклар тилга кирди. Ажал бировга ўқ бўлиб қадалар, бировни снаряд парчаси бўлиб куйдиради. Полкнинг катта врачи Раҳимжон Қодиров ана шу Ватан озодлиги, халқ бахт-саодати деб ажал билан олишаётганларни ўлим чангалидан қутқариб қолиши лозим эди. У дарҳол танклар қулатиб кетган қарағайлардан сўри ясади. Устига шох-шабба ташлаб, операция қилишга киришди. Бировнинг қўли, бировнинг оёғи, бошқасининг эса елкаси мажақланган. Ҳаммасини операция қилиш лозим. Акс ҳолда жароҳат бутун организмни заҳарлаб қўяди. Йўқ, бунга йўл қўймаслик керак. Бу аҳд уни ҳаракатга чорлади.

—Иш чатоқ,—деди дивизия командири унинг елкасига қўл ташлаб,—душман планимизни пайқаб қолган экан. Қуршовда қолдик. Эндиги вазифа тунда кутилмаганда ҳужум қилиб, қуршовни ёриб чиқиш. Бунга куч етишмайпти. Ярадорлар орасида автомат кўтаришга ярайдиганлар борми?

Бу савол врачни ҳайратга солди. Оғир нафас олиб, пешонасидаги терини артди. Командирга юзланиб деди:

—Қолганлар нима бўлади?

Командир сергакланди. Шапкасини ҳиёл кўтариб бош қашиди. Дарҳақиқат, оғир жароҳатланган, илтижо билан тикилиб ётган жангчиларнинг тақдири нима бўлади?

—Тўғри айтасиз,— деди у командирларга хос қатъийлик билан,—тўрт кундан буён душман бизни таслим қилиш ниятида ҳужум қиляпти. Лекин уддалай олмаяпти. Жангчиларимизнинг руҳи тетик. Ҳар бири ўн кишининг ишини бажаряпти. Яна уч-тўрт кунга бардошимиз етар.

У дадил қадамлар билан команда пунктига жўнаб кетди. Раҳимжон шундагина тўрт кечакундуз тинмай ишлаётганини, оёқлари хиёл қалтираётганини сезди. Бир оз дам олиш ниятида стул вазнфасини бажарувчи хода томон юрди. Шу пайт ҳамшираллар пайдо бўлишди.

—Ўртоқ врач, ярадорнинг кўзи оқиб кетибди, нима қилайлик? —деди чаққонроғи.

Яна операция бошлашга тўғри келди. Қамалнинг еттинчи куни бирдан «ура» овози эшитилди. Врач ярадорларни ҳақиқий госпиталга юбориш ҳақида буйруқ олди. Маълум бўлишича, полк командири разведкачилар орқали аҳволни қўшинлар қўмондонига етказган экан. Ёрдам вақтида кўрсатилди. Полк қуршовдан олиб чиқилди. Ярадорлар ҳарбий-дала госпиталига жўнатилди. Орадан кўп ўтмасдан медицина хизмати капитани Раҳимжон Қодировга иккинчи даражали Ватан уруши ордени топширилди. Бу катта хизмат эвазига берилган мукофот эди. Чунки 1944 йилда Развилишкис шаҳри учун бўлган беомон жангда ярадор бўлган 311 жангчининг ҳаёти сақлаб қолинганди.

1-Болтиқ бўйи фронтига қарашли 4-зарбдор армия сафида полк врачи вазифасини бажарган Раҳимжон аканинг кўксини кейин «Қизил Юлдуз» ордени, кўп медаллар безади. Она юрти Тошкентга қайтгач, тажрибаси ва билимини халқ саломатлигини сақлашга сарфлади. Унга «Республикага хизмат кўрсатган врач» унвони берилди. Одамлар саломатлигини сақлаш эзгу мақсади бўлган Раҳимжон ака Қодиров ҳозир 14-поликлиникада бош врач бўлиб ишламоқда.

М. ОТАХОНОВ.

• Ҳаракат хавфсизлиги учун

ЙЎЛЛАРИМИЗ ҲАМИША БЕХАТАР БЎЛСИН

БУГУН **мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимиз Тошкентда анъанавий баҳорги Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги кўриги бошланди.**

Мана бир неча кундирки, ўлкамизда баҳор нафаси кезмоқда. Эътибор қилган бўлсангиз, баҳор келиб қунлар исиши билан шаҳримиз кўчаларида транспортлар қатнови қиш фаслидагига кўра бир мунча кўпайганлигини кўрамиз. Бу фасл мотоцикл ҳайдаш ишқибозлари учун ҳам қулай. Айниқса, кўчаларда ўйнаб юрган болаларни айтмайсизми?

Бу фаслда ҳамма ҳайдовчи ва пиёда, қарию-ёш йўл қоидасига тўла риоя қилиши, ниҳоятда эҳтиёт бўлишини талаб қилади. Буни ҳисобга олган СССР Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармасининг ташаббусига биноан ҳар йилнинг баҳор ва куз фаслларида анъанавий Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўриклари ўтказилмоқда. Бу кўрикда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан шаҳримиз ҳам фаол иштирок этади. Дарҳақиқат, бу тадбирлар кишиларни йўл қоидаларини ҳурмат қилиб, қоидабузишликка йўл қўймаганларида эди, биз яна ҳам қувончли натижаларни қўлга киритган бўлур эдик.

Болаларнинг йўл транспорти кўнгилсиз воқеасига учраб, майиб бўлаётгани бизни ҳамон ташвишга солмоқда. Маълумки, ўтган 1979 йил Халқаро болалар йили, деб нишонланди. Бу йилда пойтахт Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам келажагимиз бўлган болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда, уларни соғлом, ҳар томонлама етук бўлиб улғайишларида ўзларининг ибратли ишлари билан ҳисса қўшдилар. Ҳозир улар томонидан шаҳримиздаги барча ўқув муассасаларида: мактабларда, ҳунартехника билим юртларида йўл ҳаракати қоидаларига, йўл транспорти ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларига оид қатор лекция ва тематик суҳбатлар уюштириш қизғин давом этмоқда. Табиийки, бу тадбирлар сезиларли ижобий таъсирини кўрсатди.

1 апрелдан мамлакатимизда жумладан пойтахтимиз Тошкентда анъанавий баҳорги Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги кўриги бошланди. Барча ҳайдовчи ва пиёдалар учун катта синов бўлган бу тадбир 30 апрелгача давом этади. Бу тадбир олдига қўйилган вазифа — кишиларни йўл қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборат. Бу эса, ўз навбатида кўча ва йўлларда содир бўлаётган авариялар сонини камайтириш, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўлда юриш интизомини ошириш имконини яратади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бутуниттифоқ кўриги —умумхалқ иши. Унинг қандай натижалар билан тугаши ва қандай муваффақиятлар келтириши кўп жиҳатдан ҳайдовчи ва пиёдаларнинг интизомига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида йўл транспорти кўнгилсиз ҳодисаларининг кескин камайишида шубҳасиз, ижобий ҳисса бўлиб қўшилади.

А. ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

• Ҳар тўғрида

Автомобилга қарши поезд

Сўнгги вақтларда Триполи кўчаларида автомобиллар сонининг тобора ортиб бораётганлиги ҳаммани ташвишга солмоқда. Чорраҳаларда машина зичлигидан пиёдалар қатнови тобора оғирлашаяпти. Айниқса, кечқурун ва эрталаб автомобиллар сони бирданига икки-уч баравар ортиб кетади. Ҳаммаси бўлиб 3 миллион аҳоли истиқомат қиладиган бу мамлакатда ярим миллиондан ортиқ автомобиллар мавжуд. Лекин шунга қарамай, ҳар йили Ливия ўз миллий даромадининг бешдан бир қисмини импорт машиналарни сотиб олишга сарфламоқда. Бунинг устига бензин сотиб олиш учун кетадиган даромадни айтмайсизми?

Хўш, машиналарни камайтириш учун нима қилиш керак?

Кўпчилик эътиборини тортаётган бу савол яқинда ҳал этилди. Бунинг ягона йўли мамлакатнинг турли районлар билан боғловчи поездларни кўпайтиришдан иборатдир. Шунинг учун бу ерда ҳаммаси бўлиб 1600 километр узунликдаги тўртта темир йўл линиясини қуриш планлаштирилди. Улардан бири 800 километрлик йўл марказини йирик металлургия комбинати бунёд этилиши мўлжалланаётган Мисурата шаҳри билан боғлайди. Лойиҳанинг биринчи навбати қурилиши учун 31 миллион динар ажратилди.

Бир минутда икки авария

Қоҳирани сув билан таъминлаш Миср пойтахтидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолардан биридир. Шаҳар водопровод тармоқларига ҳамиша сув нормал миқдорда келиб турса-да, лекин унинг ярми истеъмолчиларга етиб бормайди. Бунинг асосий сабаби нимада? Маълум бўлишича бу ерда водопровод трубаларини тез-тез ёриб кетиши ҳоллари содир бўлиб турарқан. Чунки ер ости трубалари кучли сув босимига чидамли эмас экан.

Шаҳар маъмуриятининг тахминий ҳисоб-китобига кўра, шу кеча-кундузда. Қоҳира сув таъминоти системасида ҳар бир минутда ўрта ҳисобда икки авария содир бўлиб турарқан.

Одамларга ўрганган бўри

Подани бўрига ишонадиган киши топилмаса керак. Навкат райондаги Солиева номли колхоздан қўтас боқувчи Т. Имаралиев бошқача фикрда. Ундаги қўтас новвосларини бўри қўриқлаб келаётганига яқинда бир йил бўлади. У одамларга қўниккан, ҳўрагини қўлдан олади.

Бу бўри бултур қўлга тушганди. Ўшанда ургочи ва эркак бўри ва уларнинг март ойида туғилган 6 та болаларидан иборат гала Помир—Олой этакларида қор босган дарадаги қўтасларга ташланиб қолди. Шунда Т. Имаралиев бўриларнинг деярли ҳаммасини отиб ўлдирди. Битта боласини эса тирик ушлаб олган эди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: Аҳмаджон ШАРИПОВ, Асқарали ҲИДИРОВ, Олмагул СУЙЕРБОЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Валентина ПАШКОВА, Ўрбугул СУЙЕРБОЕВА, Мавжудахон БАҲРИЕВА, Клара ХЎЖАЕВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани —Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА **олиб боради.**

«ЛАЗГИ» **ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти** Гавҳар РАҲИМОВА.

Ансамблнинг балетмейстери— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Мусиқа раҳбари— Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар:
ФАҲРИДДИН УМАРОВ
Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Гулнора АЪЗАМОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари—композитор Султон АНВАРОВ.

Мусиқа раҳбари—Туйғун ОТАБОЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича), **техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошлигини тайёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тикиш бўйича пойафзалчи.**

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактабн мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош). Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ВОКАЛ-ЧОЛҒУ, БИЧИШ ВА ТИКИШ, ТЎҚИШ, КИНО-ФОТО ТЎГАРАКЛАРИ ИШЛАЙДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБА КУНИДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобуснинг «Домбробод» массиви» бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси). Телефон 76-77-45).

«Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трестининг

1-«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

кучланиш ва ёритиш электр ускуналари монтажи бўйича электромонтажчилар тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ва касбга эга бўлмаган 45 ёшгача бўлган гражданлар қабул қилинади.

Муҳтож бўлганларга ётоқхона берилади. Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 процента қўшиб берилади.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга курсларга киришда имтиёзлар берилади. Совет Армияси сафидаги хизмат даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳоҳловчилар Тошкент шаҳридаги базали техникумнинг кечки ва сиртқи бўлимларида ташкилот йўлланмаси билан конкурсдан ташқари қабул қилиниб, ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги учта фотосурат, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, меҳнат дафтарчаси (ишлаганлар учун), паспорт, ҳарбий билет.

Курсларни тугатганларга электромонтёр-монтажчи малакаси берилади ва ишлаш учун саноат, маданий-маиший бинолар, турар жойлар ва Тошкент шаҳридаги метро қурилишига юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700007, Тошкент шаҳри, Қуйбишев райони, Черкасск кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими (1, 4, 17, 24, 71, 117-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси бекати). Телефон 66-25-92.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV да **Гулбаҳор қанн,** 3/IV да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Ишқ қурбонлари** (19.00).

КИНО

1. АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТИНЧЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАН»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ БИЛАН ТУҒИЛГАН— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«АЛЬБОМНИНГ ЖОНЛИ САҲИФАЛАРИ» — **Фестиваль.**

КИНОЛЕНИННОМА

«ОНА ҚАЛБИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (16.30, телефон 33-44-52).

2 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТИНЧЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАН»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ БИЛАН ТУҒИЛГАН— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«АЛЬБОМНИНГ ЖОНЛИ САҲИФАЛАРИ» — **Фестиваль.**

КИНОЛЕНИННОМА

«ИШОНЧ» — **Санъат саройи** (10.00, телефон 44-39-51).

«ОНА ҚАЛБИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (16.30, телефон 33-44-52).

«КОММУНИСТ» — **Искра** (14.00, телефон 39-11-76).

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КОММУНИСТ ҲАҚИДА ҚИССА»— **Искра** (14.00).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ГАЗ ПАЙВАНДЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-ВЕНТИЛЯЦИЯЧИЛАР, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, ХИМИЯ ВА НЕФТЬ-ХИМИЯ САНОАТИ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИЛАР, ТОКАРЛАР, МАШИНИСТ-КРАНЧИЛАР, АВТОСЛЕСАРЛАР, ДУРАДГОР-МЕБЕЛЧИЛАР.

Ўқиш муддати —1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН 15—17,5 ЕШДАГИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқийдиган ўқувчиларга билим юртини битирганлиги, ўрта маълумот ҳақида диплом ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида ҳужжатлар берилади. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчилар 60 сўм миқдорида стипендия оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАРГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

ЎҚИШ— 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 68, 106, 37-автобусларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекатлари).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 АПРЕЛЬ. СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

I

15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Биз — ишчилармиз» (Талқин), «Трасса» (Олмаота). 15.55 «Чумаклар қувончи». Фильм-концерт (Киев). 16.25 «Жонажон табиат». 16.45 «Қўшиқларимиз, парвоз эт». 17.30 «Г. Х. Андерсен эртаклари». Ёзувчи туғилган кунининг 175 йиллигига. 18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Китоблар уйи». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран») 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.05 СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди («Экран»). 20.15 «Сарсонлик-саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия «Танлаш». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Фестивеллар, конкурслар, концертлар». Кўрсатув тугагач (23.05)— «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қора маккорларнинг тугатилиши». Мультфильм. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «В. И. Ленин социализм ва коммунизм ҳақида». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Эҳ, аттанг...» «Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ноз-неъмат бунёдкори». Сабзавоткорлар учун кўрсатув. 22.20 «Узун кўзидаги сув париси». Бадиий фильм. 2-серия (Венгрия). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Социалистик реализм— совет санъатининг ижодий методидир». 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 Абитуриентлар учун Она тили. 22.35 «Етти қария ва бир қиз». Телевизион бадиий фильм (рус.).

2. АПРЕЛЬ. ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Карнайча ва қуш ҳақида». «Ғаройиб манеж». 10.25. «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 2-серия. «Танлаш». 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатув тугагач (12.40)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Геологлар кунига. «Губкин тупроғи». Илмий-оммабоп фильм («Центрнаучфильм») 16.10 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 16.55 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 17.30 Чанги спорти. Мурманскдан олиб кўрсатилади. 18.05 «Горичилар, қаердасиз?». 18.35 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. К. Паустовский. «Жулдур шинелли чол». СССР халқ артисти А. Попов ўқийди. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Совет композиторларининг асарларидан эстрада концерти. 20.05 «Меҳнат шоншуҳрати байроқдорлари». Кўрсатувда халқ депутатлари Рязань шаҳар Совети ижроком раиси Н. П. Чумакова иштирок этади. 20.20 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Уруш». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг очилиши. Концерт Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Лазер нима?» Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Жанг майдони, ҳаёт майдони». Телефильм. 12.30 «Лазер нима?» Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Тўрт таянчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия (рус.). 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Момақаймоқ». Мультфильм. 18.40 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжодари бўйлаб». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оқ йўл, сенга «Пахтакор». Футбол бўйича СССР 43-чемпионатининг очилиши олдидан. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Чигитни тез ва соз экайлик». 22.15 Кинолениннома. «Ленин Октябрда». Бадиий фильм (рус.). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25. Эстетика асослари. «Ҳозирги замон буржуа реакцион санъати ва эстетикаси». (рус.). 21.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.05 «Социалистик мусобақа пешқадамлари».

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85, шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчерв 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбат чилари— 33-90-50.

1 АПРЕЛЬ, 1980 й. Р—13791 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2006.